

ҚЎЧҚОР НОРҚОБИЛ НАСРИДА ҚАҲРАМОН ТАҶДИРИНИНГ ФОЖИАВИЙ ТАЛҚИНИ

Гузал Амирқуловна ХИММАТОВА

Катта ўқитувчи

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

guzalximmatova@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада Кўчкор Норқобилнинг “Осмон остидаги сир” ва “Кўзларингни кўргани келдим” ҳикояларида уруш асоратлари, унинг инсон қалбига таъсири, баъзида эса, фожиавийлик билан якун топганлик масалалари бадиий талқин этилган. Ҳикояларда урушнинг йигитлар умрини хазон қилиб, оиласлари пароканда бўлиб кетишига сабаб бўлганлиги тасвирланади.

Таянч сўзлар: фожиавийлик, категория, мазмун-моҳият, ижодкор, кундалик, бадиий адабиёт, фарзандсизлик, наср, инсон, тақдир.

ТРАГИЧЕСКАЯ ТРАКТОВКА СУДЬБЫ ГЕРОЯ В ПРОЗЕ КОЧКОРА НОРКАБИЛА

Гузаль Амиркуловна ХИММАТОВА

Старший преподаватель

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Термезский государственный университет

Термез, Узбекистан

guzalximmatova@mail.ru

Аннотация

В данной статье анализируются рассказы Кочкора Норкабила “Тайна под небом” (“Осмон остидаги сир”) и “Пришел увидеть твои глаза” (“Кўзларингни кўргани келдим”) с точки зрения художественного осмысления последствий войны, ее воздействия на человеческую душу, а иногда, и трагического финала. В рассказе повествуется о том, как война уносит жизнь молодого человека и разрушает семью.

Ключевые слова: трагедия, категория, сущность, творец, дневник, вымысел, бездетность, проза, человек, судьба.

Фожиавийлик дейилгандан, кўпинча, охири ўлим билан тугайдиган ҳолат, қўрқинчли воқеаларнинг тасвирланиши, қаҳрамоннинг ҳалок бўлиши тушунилади. Фожиавийлик категориясининг мазмун-моҳияти нималарда намоён бўлади? А.Эркаев “Эстетик онг ва бадиий билиш”номли мақоласида бу масалани атрофлича ўрганишга ҳаракат қилган [4].

Олим шундай ёзади: “Фожиавийлик нимада юзага чиқади? Антик даврда фожиавийлик инсон эрки ва унинг азалдан белгиланган тақдири ўртасида ҳал қилиб бўлмайдиган зиддият сифатида тушунилган. Инсон ўз тақдирига чап бериб, ўзгаришига уринганда, бунинг уддасидан чиқолмаган, мағлуб бўлган, охир-оқибат ҳалокатга учраган. Буни ўзбек кутубхонларига яхши таниш қадимги юонон фожианависи буюк Софоклнинг “Шоҳ Эдип” асари мисолида кўриш мумкин.

Европа Уйғониш ва Маърифатпарварлик даврлари асарларида, хусусан Шекспир ижодида, шунингдек, ундан кейинги даврларда фожиавийлик табиатини тушуниш дунёвийлашди. Энди фожиавийлик адабиётда тақдири азал хукмининг муқаррарлигига эмас, балки жамият ва инсон, эски қолоқ анъанавий ахлоқий қарашлар ва янгидан пайдо бўлаётган илғор ғоялар ўртасидаги муросасиз зиддият туфайли янги илғор ғоя ташувчисининг ҳалокатида ўз аксини топа бошлади” [4].

Фожиавийлик, аслида, инсон руҳиятини таназзулга, емирилишга етаклайди. Инсон маънавий юксаклиги туфайлигина бу кучдан устун туради. Машҳур файласуф Платон “Зиёфат” асарида шундай ёзади: “Руҳиятда ғазаб, кўркув, лаззат, азоб-уқубат ва ҳасаднинг турли эҳтиросли иштиёқларнинг ҳукм суришини мен умуман адолатсизлик деб биламан” [2;323].

Адабиётшунос М.Олимов эса фожиавийлик ҳақида қуйидагича муроҳаза юритади: “... гап фожиавийлик масаласига бориб тақалар экан, бу ҳақиқатнинг ҳам нисбийлиги аён бўлиб қолади. Чунки фожиа – одатдаги мўътадил (аниқроқ айтганда, нормал) ҳаётнинг инкоридир, ечимиға ақл-идрок ҳам ожиз қолган, инсон борлигини зиддиятли эҳтирослар чулғаб олган, улар бор кучи билан оёққа қалқкан ҳолатdir” [1;47].

Қўчқор Норқобил насрода давр ва инсон концепцияси қўп бор ва ранг-баранг талқин этилган нуқталар унинг афғон уруши хотиралари асосида танланган асарларида аниқ ва ёрқинроқ кўзга ташланади.

Маълумки, Иккинчи жаҳон урушига бағишлиб ёзилган минглаб ижод намуналари мавжуд. Ва ушбу мавзуу давр мафкураси томонидан қўллаб-

кувватланарди. Уруш қатнашчилари, табиийки, қаҳрамон саналарди. Афғон урушидан сўнг бундай ҳолатлар кузатилмайди. Бу уруш нотўғри сиёсат оқибати ҳисобланди. Адибнинг маҳорати шунда қўринадики, у ана шу давр ва инсон, жамият ва шахс ўртасида пайдо бўлган тубсиз жарликни, аниқроғи, конфликтни кўра олди ва уни турли образлар характери, хатти-харакати, ўйташвишлари орқали бадиийлаштириди. Бу асарларнинг аҳамияти бир савол атрофида уюшади: хўш, афғон уруши қатнашчиси ким? Наҳотки босқинчи бўлса?.. Кўчкор Норқобил насрини кузатиб шунга ишонч ҳосил қилиш мумкинки, даврнинг кажрафтори инсонни аёвсиз гирдобга улоқтириб юборгандек ва у ана шу гирдобга амаллаб жон саклаш учун кучанаётгандек, талпинаётгандек.

Инсонлар тақдири сингари фожиаси ҳам турли хил. Айниқса, уруш инсон тақдирини ўзгартириб юборади. Аслида урушнинг ўзи энг катта фожиа.

Уруш мавзусидаги асарларда фожиавийлик масаласи алоҳида ўрганилиши муҳим бўлган масалаларданdir.

Ҳаёти бир маромда кечаётган инсон тақдирининг буткул ўзгариб кетиши, унинг руҳияти, зоҳири ва ботинидаги ҳис-туйғулари, кечинмаларининг бадиий талқини Қ.Норқобил ҳарбий насридаги қаҳрамонлар тақдирида ўз аксини топади.

Адибнинг “Самодил” тўпламига киритилган ҳикояларида ҳам уруш асоратлари, унинг инсон қалбига таъсири масалалари бадиий талқин этилган. Тўпламдаги “Осмон остидаги сир” ҳикоясида урушнинг бир йигитнинг умрини хазон қилиб, унинг фожиавий якунланишига сабаб бўлганлиги тасвирланади. Тўлқин танк ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтаган. Урушда иштирок этган: “*Тўлқин танк у ёқда, дарё ортида хизматни ўтаб қайтганидан сўнг бир замон ҳардамхаёл бўлиб юрди. Элга эши, қарига ёши бўйлмади. Одамовиликни орттириб келди. Ўзиям тамакини кетма-кет, орадан шамол ўтказмай паровоздай тутатарди. Эл-элдош, қавм-қариндошдан бегонасираб, хаёлпараст бўлиб қолган йигитни отаси Раҳим*

полвон кўп жойларга олиб бориб даволатди. Энаси Марям момо эскичилик деди, сув деди, ўт деди, чилтон деди, жин деди, олиб бориб ўқитмаган мулласи, силатмаган киначиси қолмади. Дўхтиран бўлдими, табибдан бўлдими, Тўлқин танк элга қўшилди, ранг-рўйи ўзгариб, одам сиёсига қайтди, тўй-томошаларга чиқадиган бўлди, қони тортиб яна тўйларда кураш туша бошлади, от изини той босди – Раҳим полвон тўй-маъракада хотиржам оёқ узатиб ўтирадиган бўлди. Изида издоши бор. Тўлқин полвон бор. Бироқ, Тўлқинбойнинг тўйини кўролмади. Ўғли афғонда бўлган кезлар Раҳим полвон юрак ўйногини орттирганди. Кўрқув, ваҳима полвоннинг ичини тўкиб, ҳадигу хавотир асорати соглигига чанг солиб бўлганди. Бояқиши ўлди-кетди. Лекин бамайлихотир оёқ узатиб кетди. Ўғлининг элга қўшилганини кўриб кетди [3;39].

Юқоридаги парчадан кўринадики, ёзувчи кичик бир тасвирданоқ урушнинг асоратларини акс эттирган. Аввало, урушнинг инсон руҳиятига таъсирини акс эттириш адебнинг асосий мақсадларидан бири эканлигини сезиш қийин эмас. Бу нафақат Тўлқин танк ва Раҳим полвоннинг изтироблари ва дардларини, балки бутун уруш қатнашчилари, улар яқинларининг ички кечинмалари ифодасидир.

Раҳим полвон ор-номусли курашчи. Авлодининг ёлғиз давомчиси Тўлқиннинг ҳам эл орасида қаддини тик тутиб юришини истайди. Ўғлининг эл орасига қўшилганидан кувониб, бу дунёни тарқ этади. Афсус, Тўлқин унинг авлодини давом эттирувчиси бўла олмади. Урушда ортирилган жароҳат уни бир умр фарзанд кўришдан маҳрум қилган, бепушт бўлишига сабабчи бўлган эди.

Маълумки, ўзбек фольклорининг ноёб дурданаси “Алпомиш” достонида Бойбўри ва Бойсари ҳам фарзандсизлик доғидан эл ичида бош кўтара олишмайди. Тоғай Муроднинг “Ойдинда юрган одамлар” қиссаси қаҳрамонлари ҳам фарзандсизликдан куяди, азобланади.

“Осмон остидаги сир”да Тўлқин ва Хайринисо ҳам фарзандга илҳақ. Адаб Тўлқиннинг ҳолатини шундай тасвирлайди: “Уч йил ўтди, беши йил

ўтди – зор-зардобини ичига ютди. Нима десин? Нима қилсин? Оҳини кимга айтсин. Эшишган қулоққа ёмон. Ўл-а, бу кунингдан дейшишмайдими, бу кунингдан ўлганинг авто демайдиларми? Йўқ, Тўлқин танк аёлини урмади, ўзини урди, ургандаям ерга, қаттиқ, тош-метин ерга кўтариб-кўтариб урди. Полвоннинг боласи эди Тўлқин танк. Уни ҳали ҳеч ким бундай алпозда, ўзичалик ерга урмаган эди, ўзини ўзи ерга урди, ёлғиз қолган паллаларда пахтазор ўртасидаги лайлак тут тагига бориб ўзини ўзи ерга уриб-уриб ийғлади, ичи эзилиб ийғлади. Ичи тўкилиб ийғлади, хилватда ҳаловат билмади – уй ичини қулфлаб, икки дунёси зимиston бўлиб, ўзини ерга отди, тутқаноги тутиб, қуёнчиги қўзиб, ўзини ерга урди” [3;58].

Агар уруш бўлмаганда Тўлқин ва Хайринисо бир этак фарзанд кўриб, баҳтли умр кечириши мумкин эди. Хотини Хайринисонинг хиёнати Тўлқинга уруш даҳшатларидан кўп таъсир қиласи. Ор-номус масаласи умрига нуқта кўяди. Хайринисонинг фарзандсизликда ўзини айборд эмаслигини исботлашга уриниши аслида уни хиёнатга етаклайди.

Фожиавийлик занжири бора-бора урушга бориб тақалади. Тўлқин ва Хайринисо тақдирининг фожиавий якунида уруш асосий сабабчи. Тўлқин танк афғондаги хизмати туфайли бепушт бўлиб қолди. Хайринисо эса, фарзанд кўра олса-да, фарзандсиз. Бир тарафдан унинг ҳам оналик туйғусини туйишга ҳаққи бор. Хайринисонинг бутун изтироблари, оғриқлари мана бу жумлаларда ҳайқириқ каби отилади:

“ – Мени ўлдир! Мени ўлдирақол! Менга им тегиб бўлди. Мен хор бўлдим. Нега бақрайиб турибсан. Гумонам сендан эмас... Сен ношуудсан!” [3;47].

Бу ҳикоянинг энг драматик нуқтасидир. Тўлқин танк ўз жонига қасд қиласи. Хайринисо хиёнат кўчасига кирди. Туғилажак фарзанди ҳам, отасини аслида ким эканлиги билмаслиги ҳам фожиавийлик занжирини узайтиради.

Тўлқин танк ва Хайринисо фожиасининг сабабчиларидан бири Рўзи маҳсум ахлоқан тубан кимса. Унинг хотини Руқия эрининг хиёнати туфайли беш яшар фарзандини олиб уйини ташлаб кетади. Рўзи маҳсумнинг ўз жуфти

аёлига хиёнати, Хайринисони топташи ва бир оиланинг фожиасига сабабчи бўлиши маънавий тубанлик фожиасидир.

Кўчкор Норқобил мазкур фожиавий ҳодиса орқали уруш тугаган бўлса ҳам унинг жароҳатлари асло битмаслигини кўрсатиб беради. “*Урушининг хотира оғригини инсон тафаккуридан ҳеч бир сугуриб олиб ташлай олмас экансан. Уруши одамзодни барибир мағлуб этиб, уни ўз комига торттиб оларкан, инсон уруш хотираси комида яшаркан*” [3;43]. Бу тасвир адибнинг иқрорларидир.

“Кўзларингни кўргани келдим” ҳикоясида ҳам инсонлар тақдири ҳақида гап боради. Ҳикоя биринчи шахс – ёзувчи тилидан ҳикоя қилинади. Унда узоқ ўлкадан ёрини излаб келган Ирина, туғилганда отасини кўрмагани сабабли эслай олмайдиган Мария образлари ҳикоя қилинади. Орадан йиллар ўтган. Мария ҳам улғайган. Лекин у отаси кимлиги, қандай инсонлигини билмайди. Шу саволларга жавоб топиш учун у Москвадан онаси билан йўлга чиқади. Отасининг қаердалиги, манзил-макони ҳам номаълум. Фақат Хоразмда яшашини билади, холос. Поездда Хоразмга кета туриб, бир купеда ёзувчи билан ҳамсафар бўлади.

Сафар давомида рус қизи Мария ва ёзувчининг сухбати асосида мусоифир аёлнинг аччиқ қисматидан хабардор бўламиз.

Мария тилидан шундай сатрлар берилади: “– *Айт, ойи, айт! Дадамнинг ўзбек эканлигини айт. Сен менга йигирма йилдан бери аллақайси ўзбек ҳақида эртак сўзлашингни айт. Сенинг йигирма йиллик армонинг, менинг йигирма йиллик азобимни айт!* Бу одам сенга ўша ўзбекни топиб беради”.

Мариянинг бу изтироблари, Иринанинг аламларининг сабаби нима? Бу китобхонни қизиқтиради. Асар қаҳрамонларининг тақдирига ҳеч бир ўқувчи бефарқ бўла олмайди.

Ирина ўз кечмишини сухбатдоши, яъни ёзувчига сўзлаб беради. Ирина ва Мариянинг аччиқ қисматига уруш сабабчи. Афон уруши. Афон урушида жароҳатланган ўзбек йигити Рома оғир ҳолда Москвага ҳарбий госпиталга юборилади. Шифокор Ирина унга ғамхўрлик қиласи. Улар

ўртасида муҳаббат туғилади ва фарзанд кўришади. Аммо Рома кекса онаси ва синглисини ўйлаб, Хоразмга қайтади. Бор воқелик шу. Лекин ёзувчининг мақсади қаҳрамонларининг аччиқ қисматларини қўрсатиш эмас. Балки қаҳрамонларининг ички кечинма, дард ва туйғуларини ифодалашдир.

Урушнинг асорати йиллар ўтса-да, юракларни жароҳатлайди. Тақдирларни ўзгартиради. Уруш бўлмаганда Ирина Рома билан танишмас, Мария тугилмас эди балки. Аммо уруш уларни таништириди. Тақдир ва вазият ажраштириди. Мария эса отасиз ўсди. Отасининг кимлигини билмай яшаш аслида азоб.

Ёзувчи ҳикояда ҳам зоҳирان, ҳам ботинан маънавий юксакликка эришган Ирина тақдиридаги ва руҳиятидаги фожиавийликни ифодалайди. Бахтли оиласи, севган ёри ва фарзанди бўлишига қарамасдан Романинг Ватан, яқинлари соғинчидан изтироб чекишини истамайди. Қайтиб келишини ички ҳиссиёт билан сезган Ирина ўзида матонат топа олади. Энг муҳими, у Романинг ички тутғёнлари, вазиятини тушуна олади. Гарчи фарзанди отасини сўраса, нима деб жавоб беришини ўйласа-да, ўзининг ёлғизлик, муҳаббат изтиробидан азоб чекишини билса-да, барчасини ирода билан енга олиши ҳам маънавий юксакликдир. Аммо унинг тақдиридаги, руҳиятидаги фожиавийлик бутун дардини ичига ютиши, дилбандининг отасини тинимсиз сўрашига жавоб бера олмаслигидадир. Ҳикояда Ирина ана шундай қаҳрамонлардан бири.

Ҳикоядаги Иринанинг қизи Мариянинг фожиаси отаси кимлигини билмаслигига. Отаси ҳақида у фақат тасаввур қиласи, холос: “ – Ҳа, қизим... Дадасини кўриш, ақалли бир марта кўриш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ Рома ҳақида сўраб-суриштиравериб ҳолижонимга қўймасди. Мен гоҳида аччиқланиб, уни топиш осонмас, Рома яшаётган жойга бориб бўлмайди, у ер жуда олисда, одамлари баджахл, ёввойи, деб кўрқитардим. У бу гапларимга гоҳида ишонарди ҳам. Ҳалигинда ўзбекларнинг нега ёмонлигини ойимдан сўранг, деб кесатганда шунга киноя қилаётганди. Москва давлат университетининг тарих факультетида учинчи

курсида ўқияпти ҳозир. Кўнглининг тубида чўкиб ётган дадасини кўриш иштиёқини ҳеч нарса билан босолмаяпман. Бўй етган қизни алдаб бўлмас экан. Қизим ҳозир жizzаки бўлиб қолган. Унинг соғлигини ўйлаб қайғурман. Жаҳли чиқса мен ёввойиман, мен ёввойининг қизиман, дея чинқириб юборади. Тақдиримнинг қалтис ўйинидан ортган дардлар камлик қилгандай, қизимнинг юрагидаги оғриқдан ҳам азобланаман. У ахир инсон фарзанди, унинг ҳам қалби бор, юраги бор, орзу-армонлари бор, ахир ўз отасини кўришни истайди, унинг қиёфасини хаёлида ўзича гавдалантиради, қони тортади, томири тортади, уни қўргиси келади”.

Ирина-қу, тақдирнинг аччиқ ёзигига чидайди, дардини ичига ютади. Аммо Мария-чи? Ҳали бир ёшлиги пайтидаёқ тирик етимга айланган, ота меҳрига зор қалбнинг олови уни азоблайди. У саволларига жавоб излайди. Жавоб берадиган онаси эса унга ёлғонларни тўқийди. Лекин ҳеч қачон мурғақ қалбга отасига нисбатан заррача нафрат бўлишини истамайди. Бу ҳам Иринанинг юксак маънавият соҳибаси эканини билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, Қўчқор Норқобил ўзининг ҳарбий насрода давр, ижтимоий муҳит, инсон фожеасини қаҳрамонлар руҳияти, кечинмаларини тўлақонли очиб берди. Бу асарларда уруш туфайли инсонлар тақдирининг ўзгариши, уларнинг маънавий қиёфаси, қаҳрамонлар қисматидаги фожиавийлик тасвирланган ва унинг инсон тақдирига таъсири масаласи яққол очиб берилган, десак муболага бўлмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 320 б.
2. Платон. Соч. в. 4-х томах. Т.3. Ч.2. – Москва: Мысль, 1972. – 450 с.
3. Норқобил, Қўчқор. Самодил: ҳикоялар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 375 б.
4. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/abdurahim-erkaev-estetik-ong-va-badiiy-bilish/>